



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№3 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxonova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Чориева Хуршидабону Хуррам кизи ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ.....	5
2. Ражабова Хулкар Тошмановна ПРОБЛЕМЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ.....	14
3. Ruzinazarov Shuxrat Nuraliyevich RAQAMLI TADBIRKORLIK FAOLIYATINI HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNING ZAMONAVIY RIVOJLANISH TENDENSIYALAR.....	22
4. Саидова Нигорахон Акмал кизи ПРАВОВАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ ОПЕРАТОРОВ ОНЛАЙН-МАРКЕТПЛЕЙСОВ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ДОКТРИНАЛЬНЫХ МОДЕЛЕЙ.....	35
5. Шамшетов Шарафатдин Сарсенович ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ СТАТУС ЗАЕМЩИКОВ В МИКРОКРЕДИТНЫХ ОТНОШЕНИЯХ.....	46
6. Ibragimova Rayxon Shodmon qizi FUQAROLIK SUD ISH YURITUVIDA TARJIMON ISHTIROKINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	55
7. Adembayev Aralbay Kuralbayevich TRANSPORT VOSITALARI HARAКATI YOKI ULARDAN FOYDALANISH XAVFSIZLIGI QOIDALARINI BUZISHNI KVALIFIKATSIYA QILISH.....	62
8. Акбутаев Ойбек Бакирович ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ УМУМИЙ ШАРТЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	70
9. Лутфуллаева Мадинабону Жамшидхон кизи ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ГАРАНТИИ ПРАВ ПОДОЗРЕВАЕМОГО ПРИ ЗАДЕРЖАНИИ.....	79
10. Yadgarov Shohruh SHANXAY NAMKORLIK TASHKILOTI: XALQARO HUQUQ SUBYEKTLILIGI, HUQUQIY MAQOMI.....	86
11. Xolmirzayev Muhsinbek Shavqiddin o'g'li O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA JINOYATCHILIKKA QARSHI KURASHISHDA KRIMINOLOGIK PROGNOZLASHNING AHVOLI, SOHADA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR.....	92
12. Primov Baxtiyor Olim o'g'li SUD TIZIMIDA KORRUPSIYAGA QARSHI KURASH VA UNI OLDINI OLISH MASALALARI.....	103




Акбутаев Ойбек Бакирович,

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

E-mail: akbutayevoybek@gmail.com

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ УМУМИЙ ШАРТЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

For citation: Akbuteyev Oybek Bakirovich. IMPROVING THE CLASSIFICATION CRITERIA FOR THE GENERAL CONDITIONS OF A PRELIMINARY INVESTIGATION. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 3.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20377757>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада дастлабки терговнинг умумий шартлари таснифи, уларни тизимлаштириш мезонлари, дастлабки терговни олиб боришга ваколатли мансабдор шахсларнинг ваколатлари, жиноят ишининг терговга тегишлилиги, тергов муддатлари, процессуал ҳаракатларда ҳолисларнинг иштироки, тергов сирини таъминлаш ва терговчилар гуруҳи фаолияти каби асосий масалалар атрофлича кўриб чиқилади. Мақолада, шунингдек, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: дастлабки тергов, жиноят процесси, терговга тегишлилик, тергов муддатлари, ҳолислар, тергов сирини, тергов гуруҳи, прокурор назорати.

Акбутаев Ойбек Бакирович,

Самостоятельный соискатель Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: akbutayevoybek@gmail.com

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КРИТЕРИЕВ КЛАССИФИКАЦИИ ОБЩИХ УСЛОВИЙ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье подробно рассматриваются такие основные вопросы, как классификация общих условий предварительного следствия, критерии их систематизации, полномочия должностных лиц, уполномоченных проводить предварительное следствие, подследственность уголовного дела, сроки расследования, участие понятых в процессуальных действиях, обеспечение тайны следствия и деятельность группы следователей. В статье также разработаны конкретные предложения по дальнейшему совершенствованию уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан на основе передового опыта зарубежных стран.

Ключевые слова: предварительное следствие, уголовный процесс, подследственность, сроки следствия, понятые, тайны следствия, следственная группа, прокурорский надзор.

Akbuteyev Oybek Bakirovich,

Independent researcher of Tashkent State University of Law

E-mail: akbutayevoybek@gmail.com

IMPROVING THE CLASSIFICATION CRITERIA FOR THE GENERAL CONDITIONS OF A PRELIMINARY INVESTIGATION

ANNOTATION

This scientific article examines in detail the main issues such as the classification of the general conditions of the preliminary investigation, the criteria for their systematization, the powers of the officials authorized to conduct the preliminary investigation, the jurisdiction of the criminal case, the timing of the investigation, the participation of witnesses in procedural actions, ensuring the secrecy of the investigation, and the activities of the investigator group. The article also develops specific proposals for further improving the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan based on the best practices of foreign countries.

Keywords: preliminary investigation, criminal proceedings, jurisdiction, investigation periods, witnesses, investigation secrets, investigative team, prosecutorial supervision.

Жиноятларни тез ва тўла очиш ёки айбдор шахсларни фош этиш каби жиноят-процессуал қонунчилигининг муҳим вазифаларини ҳал этишда жиноятларни тергов қилишнинг қатъий ўрнатилган қоидалари жуда муҳим бўлиб, ушбу қоидалар иш юритув якунида одил сулдов таъминланишига бевосита таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, дастлабки терговнинг умумий шартлари сифатида ўрнатилган мазкур тартиб-қоидалар иш ҳолатларини тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона тергов қилиш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қафолати сифатида ҳам кўрилади.

Дастлабки терговнинг умумий шартлари жиноят-процессуал қонунчилигимизда алоҳида институт сифатида белгиланган (ЖПК 43-боб) ва ушбу шартларга риоя қилинмаслиги қонун бузилиши ҳолати сифатида баҳоланади. Бироқ, мазкур “умумий шартлар” тушунчасига қонунчиликда аниқ бир изоҳ берилмаган, жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида мазкур тушунча мазмун-моҳияти юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмас ва дастлабки тергов умумий шартларига хос элементлар аниқлаштирилмаган. Айнан қандай қоидаларни ушбу шартлар тоифасига киритиш ёки ушбу шартлар доирасини кенгайтириш ёки уларни оптималлаштириш юзасидан жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида процессуалист олимлар ўртасида турли туман қарашлар мавжуд бўлиб, бизнингча, уларни таҳлил қилишдан олдин “умумий шартлар” тушунчасининг мазмунини аниқлаштириш зарур. Чунки айнан мазкур шартлар жиноят ишини тергов қилиш шакли сифатида дастлабки тергов босқичининг моҳиятини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Дастлабки терговнинг умумий шартлари тизими таҳлили қонунчилик айнан қандай мезонлар бўйича бир қатор қоидаларни битта бобга бирлаштириб, уларни дастлабки терговнинг умумий шартлари сифатида эътироф этганлиги, нима сабабдан айрим институтлар тергов учун муҳим аҳамиятга эга бўлсада, улар умумий шартлар тоифасига киритилмаганлиги амалиётчи мутахассислар ва процессуалист олимлар томонидан муҳокама марказига айланган. Жиноят-процессуал қонунчилигимиз ҳам бу борада аниқ чегараларни белгилаб бермаган. Бизнингча, дастлабки терговнинг умумий шартлари фақатгина терговчилар фаолиятининг муҳим нуқталарини тартибга солиши ва жиноят процессининг бошқа босқичларида учрамаслиги зарур.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: алоҳида процессуал нормаларни ажратиб олиб, уларни дастлабки терговнинг умумий шартлари сифатида белгилашга зарурат мавжудми ёки бундай шартларнинг ўрнатилиши жиноят процесси босқичларини, тузилишини мураккаблаштирадими? Масалан, Л.В.Головканинг тушунтиришича, бундай қоидаларнинг алоҳида умумий шартлар сифатида жамланиши кодексларга, яъни кодекслаштириш техникасига хос. Унинг фикрича, кодексларда баъзи ҳуқуқ институтлар бажарадиган вазифаларига қараб бошқаларидан ажратиб олинади ва умумлаштирилади [1]. Бу фикри билан

олим шунчаки танлаб олинган қоидаларгина дастлабки терговнинг умумий шарт сифатида белгиланганлигини, уларни ажратиб олиш мезонлари мавжуд эмаслигини таъкидлайди.

К.И.Мигушин эса дастлабки терговнинг умумий шартлари доирасини кенгайтириш юзасидан бир қатор изланишлар ўтказиб, жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки тергов босқичларини бирлаштириш орқали ишни қўзғатишга оид институтларни ҳам умумий шарт сифатида белгилашни таклиф этади [2]. Бундан ташқари, дастлабки терговнинг умумий шартларини таҳлил қилган процессуалист олим В.И.Качалов суриштирувчи, терговчи ва прокурор иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганишини талаб қилувчи “ҳақиқатни аниқлаш”ни дастлабки терговнинг умумий шартлари қаторига киритишни таклиф этади [3]. Унинг фикрича, ҳақиқатни аниқлаш суриштирувчи, терговчи ва прокурорга, яъни дастлабки терговни амалга оширувчи мансабдор шахслар фаолиятига тааллуқли бўлиб, судлар ҳақиқатни аниқлашга мажбур бўлмаслиги, суд фақатгина тарафларга ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш билан чекланиши лозим.

Шунинг учун олим ҳақиқатни аниқлаш билан боғлиқ фаолият фақат дастлабки тергов органлари томонидан амалга оширилиши ва шу боисдан ҳам уни фақат дастлабки терговга хос фаолият сифатида баҳолаб, уни умумий шартлардан бири сифатида белгилашни таклиф қилади.

Бизнингча, процессуалист олим томонидан берилган бу таклифга қўшилиб бўлмайди. Чунки, ҳақиқатни аниқлаш фақатгина дастлабки терговга хос фаолият эмас, ЖПКнинг 22-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳам жиноят иши билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш шарт. Қонуннинг ушбу нормаси мазмунидан англашиладики, судлар ҳам ҳақиқатни аниқлашга масъул, бу фаолият иш юритишнинг суд босқичида ҳам амалга оширилади. Бошқача айтганда, ҳақиқатни аниқлаш фақат дастлабки терговга хос тушунча эмас.

Дастлабки терговга хос умумий шартларни ўхшаш ва ўзаро фарқли жиҳатларига кўра тоифаларга ажратиб олиш уларни тизимли тадқиқ этишда муҳим масала ҳисобланади. Бу масала бир қатор процессуалист олимларнинг тадқиқот ишларида ҳам алоҳида ўрганилган. Хусусан, Е.В.Сусловичус дастлабки терговнинг умумий шартларини қуйидагича гуруҳларга ажратишни таклиф этади [4]:

1) дастлабки терговни ўтказишнинг бош қоидаларини белгилаб берувчи умумий шартлар: терговга тегишлилик, дастлабки тергов ўтказиладиган жой, дастлабки тергов муддатлари;

2) тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибини белгиловчи умумий шартлар: дастлабки терговнинг терговчилар гуруҳи томонидан ўтказилиши;

3) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита таъминлашга қаратилган умумий шартлар: илтимосномаларни кўриб чиқишнинг мажбурийлиги (мазкур тартиб миллий қонунчилигимизда дастлабки терговнинг умумий шарт сифатида белгиланмаган);

Бундан кўринадики, процессуалист олим дастлабки терговнинг барча шартларини аҳамияти, қайси процессуал муносабатларни тартибга солиши ва моҳиятан бир бирига яқинлигидан келиб чиқиб гуруҳларга ажратган. Шунингдек, жиноят ишини судга қадар юритиш босқичини таҳлил қилган олим Д.А.Исмайлов ҳам дастлабки терговнинг умумий шартларини уч гуруҳга ажратиб ўрганган: иш ҳолатларини ҳар томонлама ўрганишга қаратилган умумий шартлар, дастлабки тергов субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган умумий шартлар, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирувчи умумий шартлар [5]. Ушбу процессуалист олим ҳам жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган барча дастлабки терговнинг умумий шартларини мазкур уч гуруҳга бўлган ҳолда тадқиқ этишни таклиф қилади.

Бундан ташқари, шунга ўхшаш фикрларни О.А.Корнишина [6], А.Н.Гришинлар [7] айтиб ўтган. Улар ҳам ўрганилаётган умумий шартларни шартли равишда қуйидаги уч тоифага ажратишни таклиф этади:

- 1) ваколатли тергов органининг танланиши ва уларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиши билан боғлиқ шартлар;
- 2) терговнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона олиб борилишини таъминлашга қаратилган шартлар;
- 3) тергов иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган шартлар.

Шу билан бирга, процессуалист олимлар фақат ЖПКнинг тегишли бобида кўрсатилган қоидаларгина дастлабки терговнинг умумий шартлари сифатида тан олиниши кераклигини таъкидласада, унда назарда тутилмаган бошқа қоидалар ҳам умумий шарт сифатида белгиланмаганлигига эътибор қаратади. Уларга кўра, дастлабки терговда техник воситалардан фойдаланиш қоидаларини, терговда расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатларни, терговчиларнинг прокурор ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигини тартибга солувчи қоидалар дастлабки терговнинг умумий шартларига қўйилган талабларга жавоб берсада, рўйхатга киритилмаган.

Бироқ, мазкур масала бахсли бўлиб, на жиноят-процессуал қонунчилигимизда, на жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида қоидаларни умумий шартлар тоифасига киритиш мезонлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу масалада яқуний хулоса қилиш қийин. Қизик томони, юқоридаги олимлар қайд этилган қоидаларни нима сабабдан умумий шартлар сифатида белгилашни асослантиришмаган.

Дастлабки терговнинг умумий шартлари тавсифини муҳокама қилишда уларнинг ўзаро ўхашаш ва фарқли томонлари бўйича тизимлаштириш уларнинг ҳар бирини ҳар томонлама таҳлил қилишга ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 43-бобида назарда тутилган дастлабки терговнинг умумий шартларини уларнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб, шартли равишда 3 та гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчиси: дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг ваколатларини тақсимлашни назарда тутувчи - жиноят ишининг терговга тегишлилиги. Бу гуруҳга дастлабки терговни олиб боришга ваколатли мансабдор шахслар (ЖПК 344-модда), жиноят ишининг терговга тегишлилиги (ЖПК 345-модда), ҳудудий жиҳатдан терговга тегишлилик (ЖПК 346-модда) каби шартларни киритиш мумкин;

Иккинчиси: дастлабки терговда исботланиши, ўрганилиши лозим бўлган ҳолатларнинг, яъни терговнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўтказилишини таъминлашга хизмат қилувчи қоидалар йиғиндиси бўлиб, бу гуруҳ терговчининг топшириқларини бажариш (ЖПК 347-модда), жиноят ишини бошқаларга ўтказиш (ЖПК 348-модда), йўқолган жиноят ишини ёки унинг материалларини тиклаш (ЖПК 348¹-модда), дастлабки терговда жамоатчиликнинг иштироки (ЖПК 349-модда), дастлабки терговнинг бошланиши (ЖПК 350-модда), дастлабки тергов муддатлари (ЖПК 351-модда), тергов ҳаракатларини ўтказишда ҳолисларнинг иштироки (ЖПК 352-модда), дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш (ЖПК 354-модда), терговчилар гуруҳи раҳбарининг ваколатлари (ЖПК 355-модда), гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар (ЖПК 356-модда), тергов ҳаракатининг бир неча терговчи томонидан бажарилиши (ЖПК 357-модда) каби шартларни ўз ичига қамраб олади.

Учинчи гуруҳ дастлабки тергов давомида шахс ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган умумий шартларни назарда тутуди ва унга жиноят ишидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти (ЖПК 353-модда) ҳамда терговчининг ва прокурорнинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят бериш (ЖПК 358-модда)ни тартибга солувчи қоидаларни киритиш мумкин.

Бизнингча, дастлабки тергов умумий шартлари сифатида ўрнатилган қоидаларнинг аксарият қисми умумий шартларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Қайсидир қоидани дастлабки терговнинг умумий шarti сифатида баҳолашимиз учун унинг ЖПКдаги тегишли бобга киритилганлигидан эмас, процессуал фаолиятдаги роли, дастлабки тергов учун аҳамиятлилик даражасидан келиб чиқиш лозим.

Шу масалани тадқиқ этган олим К.В.Проваторова дастлабки терговнинг умумий шартлар тизимини “Тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий қоидалари”, “Тергов ҳаракатларини ўтказишга суд тартибида рухсат олиш”, “Тергов ҳаракати баённомаси” каби қоидалар билан тўлдиришни таклиф этади [8]. Данг Вьенг Хинг ҳам дастлабки тергов давомида чиқариладиган қарорлар, жиноят содир этилишига олиб келган сабабларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномаларни [9] ҳам дастлабки терговнинг умумий шартлари қаторига киритишни таклиф этган. Миллий жиноят-процессуал қонунчилигимиз таҳлилидан келиб чиқиб, процессуалисто лимларнинг айрим таклифларига қўшила олмаймиз.

Хусусан, “Тергов ҳаракатларини ўтказишга суд тартибида рухсат олиш”, “Тергов ҳаракати баённомаси” ёки “Жиноят содир этилишига олиб келган сабабларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар” қонунчилигимизда мавжуд тартиб-қоидалар бўлиб, уларни дастлабки терговнинг алоҳида умумий шартлари сифатида қонунчиликда белгилашга зарурат йўқ ва бу масала тергов амалиётида ҳам, назарияда ҳам муаммони келтириб чиқараётгани йўқ.

В.Т.Томина эса прокурор назорати, суд назорати, дастлабки тергов органларининг бошқа корхона, муассаса, ташкилотлар билан ҳамкорлиги, тергов ҳаракати ёки бошқа процессуал ҳаракат ўтказилишини қатъий тартибга солинганлиги каби қоидаларни ҳам [10] дастлабки терговнинг алоҳида умумий шартлари сифатида тан олиш зарурлигини таъкидлайди.

Л.В.Головка жиноят-процессуал қонунчиликдаги қоидаларни умумий ва махсус шартларга ажратишнинг икки асосий мезонини ажратиб кўрсатади [11]. Унга кўра, биринчи мезон - тергов шакллари. Мазкур мезон дастлабки терговнинг умумий шартларини терговнинг бошқа шаклларида, жумладан суриштирувдан ажратиб туради. Иккинчи мезон бирор қонуннинг дастлабки терговнинг бутун муддатига тадбиқ этилишидан келиб чиқади. Бунда танланган қоида дастлабки терговнинг барча ички босқичларига хос бўлиши керак.

Бу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, олим умумий шарт бутун дастлабки тергов муддатига хос қоида бўлиши кераклигини назарда тутган.

Дастлабки тергов умумий шартларининг амалдаги ҳолатини баҳолаш учун ривожланган айрим хорижий давлатлар қонунчилиги билан солиштириш ва уларнинг ижобий жиҳатларини таҳлил қилиш керак бўлади. Англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатлар процессуал қонунчилигидан дастлабки терговнинг умумий шартларини қидириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, ушбу давлатлар иш юритувида дастлабки тергов мустақил босқич сифатида мавжуд эмас ва уни полиция томонидан олиб бориладиган текширувга қиёслаш мумкин [12].

Шуни таъкидлаш жоизки, дастлабки терговнинг умумий шартлари қаторига баъзи қоидаларнинг киритилиши (масалан, йўқолган иш материалларини тиклаш) умумий шартларга қўйилган талабларга жавоб бермаслиги ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 348¹-моддасида белгиланишича, йўқолган жиноят иши материаллари тергов вақтида прокурорнинг қарори билан, худди шу ҳолат судда юз берган тақдирда суднинг ажрими билан амалга оширилади. Бундан кўринадики, мазкур умумий шарт судда иш юритиш даврини ҳам қамраб олган.

Бирок, дастлабки терговнинг умумий шартлари фақатгина жиноятларни тергов қилишнинг мазкур босқичига тегишли бўлиши ва айнан дастлабки терговга хос қоидаларни назарда тутиши керак эди. П.В.Фадеев ва Данг Вьетлар ҳам умумий шартлар истисно сифатида фақат дастлабки терговга тегишли бўлиши кераклигини таъкидлашади [13]. Процессуалист олимлар Д.С.Крылова [14], шунингдек А.С.Дмитриев, А.С.Виноградовлар [15] ҳам масаланинг айнан шу жиҳатига эътибор қаратиб, йўқолган иш материалларини тиклаш тартибини дастлабки терговнинг умумий шартларидан чиқаришни таклиф этади.

Шу масалада айрим ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, масалан романа-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи **Грузия Республикаси** жиноят-процессуал қонунчилигида (XIV боб) дастлабки терговга хос асосий қоидалар “умумий шартлар” сифатида назарда тутилмаган бўлсада, тергов асослари сифатида мустақамлаб қўйилган [16]. Миллий қонунчилигимиздан фвркли равишда ушбу давлат ЖПКда терговни

бошлаш мажбурийлиги (100-модда), жиноят тўғрисида хабар (101-модда), ишни терговга тегишлилиги бўйича юбориш (102-модда), терговни тугатиш учун асослар (105-модда), тугатилган жиноий таъқибни қайта тиклаш (108-модда), жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш (109, 110-моддалар) каби қоидалар ҳам тергов асослари сифатида кўрсатиб ўтилган.

Бундан келиб чиқадики, мазкур давлат қонунчилиги фақат дастлабки тергов босқичига оид бўлган қоидаларни умумий шарт сифатида қонунчилигида мустақкамлаб қўйган ва ҳақиқатдан ҳам улар жиноят иши юритувининг бошқа босқичларида учрамайди. Шу билан бирга, уларни тергов учун долзарб, аксарияти ҳар билан жиноят иши терговда қўлланиладиган қоидалар ҳисобланади.

Молдова Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам жиноий таъқибнинг умумий қоидалари қатъий тартибга солинган [17] ва уларни миллий жиноят-процессуал қонунчилигимиз билан солиштирганда жиддий фарқлар кўзга ташланади. Хусусан, жиноий таъқибни амалга оширувчи орган қарори, яъни қарорга қўйилган талаблар (254-модда), жиноий таъқиб ҳаракати бўйича тузиладиган баённома (260-модда) лар ҳам умумий қоидалар сифатида белгиланган. Аммо, бундай терговга хос умумий қоидаларни миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизда мавжуд эмас, деб бўмайди, шунчаки улар умумий шартлар тоифасига киритилмаган.

Шу билан бирга, терговчининг топшириқларини бажариш, жиноят ишини бошқаларга ўтказиш, йўқолган жиноят ишини ёки унинг материалларини тиклаш, дастлабки терговда жамоатчиликнинг иштироки, тергов ҳаракатларини ўтказишда холисларнинг иштироки, жиноят ишидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти, дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш, терговчилар гуруҳи раҳбарининг ваколатлари, гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар, тергов ҳаракатининг бир неча терговчи томонидан бажарилиши каби умумий шартлар юқорида ўрганилган давлатлар процессуал қонунчилигида дастлабки терговнинг умумий шартлари сифатида тан олинмаган.

Шуни таъкидлаш керакки, дастлабки терговнинг умумий шартлари жиноят-процессуал қонунчилик олдига қўйилган вазифаларга ҳам жавоб бериши зарур. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-моддасига мувофиқ, жиноятларни тез ва тўла очиш ва айбдорларни фош этиш жиноят-процессуал қонунчилигининг муҳим вазифаларидан саналади. Айнан юқорида санаб ўтилган умумий шартлар мазкур вазифалар ижросини таъминлашда асосий қоидалар бўлиб қолади. Шу ўринда, дастлабки терговнинг мақсадларини аниқлаштириш лозим бўлиб, улар жиноят-процессуал қонунчилигининг муҳим вазифаларидан келиб чиқади.

Жиноят ходисасини аниқлаш, уни фош қилиш, жиноят изларини аниқлаш, жиноят содир этган шахсни қидириб топиш, айби бўлмаган шахслар жавобгарликка тортилишининг олдини олиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганиш - буларнинг барчаси дастлабки терговнинг олдига қўйилган мақсадлар ҳисобланади. Бу мақсадларга эришиш учун устувор йўналишлар ёки қоидалар белгилаб олиниши зарур ва бунда дастлабуи терговнинг умумий шартлари юқоридаги мақсадларга эришишнинг асосий қоидаларини белгилаб беради.

Дастлабки терговнинг умумий шартлари шундай тизимки, нафақат бир бирига ўхшаш қоидалар рўйхати, балки бир бири билан узвий боғлиқ бўлган ягона механизмнинг элементларидир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Курс уголовного процесса / Под ред. д.ю.н., проф. Л.В. Головки.– 2-е изд., испр. – М.: Статут, 2017. – 649 с- https://omamvd.ru/skills/wp-content/uploads/2025/01/golovko-l.v.-kurs-upcz_2017.pdf (Course of Criminal Procedure / Edited by Doctor of Law, Prof. L.V. Golovko.- 2nd ed., revised. - Moscow: Statut, 2017. - 649 p- https://omamvd.ru/skills/wp-content/uploads/2025/01/golovko-l.v.-kurs-upcz_2017.pdf)

2. Мигушин К. И. Досудебное производство как стадия современного уголовного процесса России: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09. - Н. Новгород, 2004. С. 143. (Migushin K. I. Pre-trial proceedings as a stage of modern criminal proceedings in Russia: diss.... cand. jurid. sciences: 12.00.09. - Novgorod, 2004. P. 143.)
3. Качалов, В. И. Общие условия предварительного расследования: проблемы и перспективы их развития / В. И. Качалов // Российское правосудие. – 2011. – № 12(68). – С. 55-58. – EDN OIRURX. https://elibrary.ru/download/elibrary_17030785_54031503.pdf (Kachalov, V. I. General Conditions of Preliminary Investigation: Problems and Prospects for Their Development / V. I. Kachalov // Russian Justice. - 2011. - No. 12 (68). - P. 55-58. - EDN OIRURX. https://elibrary.ru/download/elibrary_17030785_54031503.pdf)
4. Суловичус, Е. В. Проблема института общих условий предварительного расследования в современном уголовном процессе / Е. В. Суловичус // Правоохранительная деятельность органов внутренних дел в контексте современных научных исследований : Материалы международной научно-практической конференции, Санкт-Петербург, 08 декабря 2017 года / Составитель Д.В. Попов. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский университет МВД РФ Санкт-Петербургский университет Министерства внутренних дел Российской Федерации, 2018. – С. 334-337. – EDN YNPBLV. https://elibrary.ru/download/elibrary_36419792_60466744.pdf (Suslovichus, E. V. The Problem of the Institute of General Conditions of Preliminary Investigation in Modern Criminal Proceedings / E. V. Suslovichus // Law Enforcement Activities of Internal Affairs Bodies in the Context of Modern Scientific Research: Materials of the International Scientific and Practical Conference, St. Petersburg, December 08, 2017 / Compiled by D.V. Popov. - Saint Petersburg: Saint Petersburg University of the Ministry of Internal Affairs of the Russian Federation, 2018. - P. 334-337. - EDN YNPBLV. https://elibrary.ru/download/elibrary_36419792_60466744.pdf)
5. Исмаилов, Дмитрий Альбертович, and Карина Идрисовна Курбачевская. "Понятие и значение предварительного расследования в уголовном процессе." Скиф. Вопросы студенческой науки 11 (87) (2023): 328-333. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-znachenie-predvaritelnogo-rassledovaniya-v-ugolovnom-protsesse> (Ismailov, Dmitry Albertovich, and Karina Idrisovna Kurbachevskaya. "The Concept and Importance of Preliminary Investigation in Criminal Proceedings." Scythian. Questions of Student Science 11 (87) (2023): 328-333. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-znachenie-predvaritelnogo-rassledovaniya-v-ugolovnom-protsesse>)
6. Корнишина, О. А. О соотношении общих условий предварительного расследования и принципов уголовного процесса / О. А. Корнишина // Право. Законодательство. Личность. – 2014. – № 1(18). – С. 74-79. – EDN TOUNRV. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=23250458> (A. On the Correlation of the General Conditions of Preliminary Investigation and the Principles of Criminal Procedure / O. A. Kornishina // Law. Legislation. Personality. - 2014. - No 1 (18). - P. 74-79. - EDN TOUNRV. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=23250458>)
7. Гришин А. Н. ПОНЯТИЕ И ЗНАЧЕНИЕ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ THE CONCEPT AND SIGNIFICANCE OF PRELIMINARY INVESTIGATION IN CRIMINAL //Журнал выпускается ежемесячно, публикует статьи по юридическим наукам. Подробнее на [www. ur](http://www.ur). – 2024. – С. 3. <https://idpluton.ru/wp-content/uploads/uv224.pdf#page=4> (Grishin A. N. THE CONCEPT AND SIGNIFICANCE OF PRELIMINARY INVESTIGATION IN CRIMINAL PROCEEDINGS //Journal is published monthly, publishes articles on legal sciences. Learn more at [www. ur](http://www.ur). - 2024. - P. 3. <https://idpluton.ru/wp-content/uploads/uv224.pdf#page=4>)
8. Проваторова К. В. Система нормативных положений, регламентирующих общие условия предварительного расследования: становление и пути реформирования //Вестник Волгоградской академии МВД России. – 2019. – №. 1 (48). – С. 133-139. <https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-normativnyh-polozheniy-reglamentiruyuschih-obshchie-usloviya-predvaritelnogo-rassledovaniya-stanovlenie-i-puti> (Provatorova K. V. System of Regulatory Provisions Regulating General Conditions of Preliminary Investigation: Formation and Paths of

Reform //Bulletin of the Volgograd Academy of the Ministry of Internal Affairs of Russia. - 2019. - No. 1 (48). - P. 133-139. <https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-normativnyh-polozheniy-reglamentiruyuschih-obshchie-usloviya-predvaritelnogo-rassledovaniya-stanovlenie-i-puti>)

9. Хынг Д. В. Основные направления развития общих условий предварительного расследования в досудебном производстве: сравнительно-правовое исследование //Вестник Московского университета МВД России. – 2023. – №. 4. – С. 78-83. <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-napravleniya-razvitiya-obshchih-usloviy-predvaritelnogo-rassledovaniya-v-dosudebnom-proizvodstve-sravnitelno-pravovoe> (Hung D. V. Main Directions for the Development of General Conditions of Pre-trial Investigation in Pre-trial Proceedings: Comparative Legal Research //Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia. - 2023. - No. 4. - P. 78-83. <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-napravleniya-razvitiya-obshchih-usloviy-predvaritelnogo-rassledovaniya-v-dosudebnom-proizvodstve-sravnitelno-pravovoe>)

10. Уголовный процесс России: учебник / А.С. Александров [и др.]; науч. ред. В.Т. Томин. М.: Юрайт-Издат, 2003. 752 с. (Ugolovniy protsess Rossii: textbook / A.C. Aleksandrov [et al.]; scientific ed. V.T. Tomin. M.: Yurait-Izdat, 2003. 752 p.)

11. Golovko L.V. Kurs ugolovnogo processa. M.: Statut, 2016. 665 s. Кудряшова Елена Семеновна Качество досудебного производства по уголовному делу как общее условие предварительного расследования // Вестник Казанского юридического института МВД России. 2020. №2 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvo-dosudebnogo-proizvodstva-po-ugolovnomu-delu-kak-obshchee-uslovie-predvaritelnogo-rassledovaniya> (Golovko L.V. Course of Criminal Procedure. - M.: Statut, 2016. - 665 p. Kudryashova Elena Semenovna The quality of pre-trial proceedings in a criminal case as a general condition of preliminary investigation // Bulletin of the Kazan Law Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia. 2020. No2 (40).)

12. Сидоров, А. М. Особенности предварительного расследования в некоторых европейских странах / А. М. Сидоров // Вестник молодого ученого Кузбасского института : сборник научных статей. – Новокузнецк : Кузбасский институт Федеральной службы исполнения наказаний, 2024. – С. 196-198. – EDN IKMERL.<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=80333431> (Sidorov, A. M. Features of Preliminary Investigation in Some European Countries / A. M. Sidorov // Bulletin of the Young Scientist of the Kuzbass Institute: Collection of Scientific Articles. - Novokuznetsk: Kuzbass Institute of the Federal Penitentiary Service, 2024. - P. 196-198. - EDN IKMERL.)

13. Фадеев, Павел Владимирович, and Данг Вьет Хынг. "ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ОБЩИХ УСЛОВИЙ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ В НОРМАХ УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА." Научный вестник Омской академии МВД России 29.1 (88) (2023): 12-17.<https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-formirovaniya-obshchih-usloviy-predvaritelnogo-rassledovaniya-v-normah-ugolovno-protsessualnogo-zakonodatelstva> (Fadeev, Pavel Vladimirovich, and Dang Viet Hung. "PROBLEMS OF FORMING GENERAL CONDITIONS OF PRELIMINARY INVESTIGATION IN THE NORMS OF CRIMINAL PROCEEDING LEGISLATION." Scientific Bulletin of the Omsk Academy of the Russian Ministry of Internal Affairs 29.1 (88) (2023))

14. Крылова Д. С. К вопросу о проблемах системы общих условий предварительного расследования в современном уголовном судопроизводстве //Вестник экономической безопасности. – 2021. – №. 1. – С. 161-163.<https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-problemah-sistemy-obshchih-usloviy-predvaritelnogo-rassledovaniya-v-sovremennom-ugolovnom-sudoproizvodstve> (Krylova D. S. On the Problems of the System of General Terms of Preliminary Investigation in Modern Criminal Proceedings //Bulletin of Economic Security. - 2021. - No. 1. - P. 161-163)

15. Dmitriev, Alexander and Vinogradov, Andrei, Improving the System of General Conditions of Preliminary Investigation (June 15, 2023). Journal of Legal and Economic Studies, 2023, 3: 188–193 DOI 10.26163/GIEF.2023.56.79.026, Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=4650694>

- 16.** Уголовно-процессуальный кодекс Грузии.
<https://matsne.gov.ge/ru/document/view/90034?publication=130> (Criminal Procedure Code of Georgia)
- 17.** Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 14.02.2026 г.) https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729 (Criminal Procedure Code of the Republic of Moldova dated March 14, 2003 No. 122-XV (with amendments and additions as of 14.02.2026))

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.